

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН**  
**РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**  
**18.06.2008 й.**  
**№ 1826**

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА**  
**ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ**  
**АГЕНТЛИГИНИНГ**  
**19.05.2008 й.**  
**№ 10-8/1493**

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА**  
**АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ**  
**19.05.2008 й.**  
**№ 04-01**

**ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикасида даврий босма**  
**нашрларни тарқатиш қоидаларини**  
**тасдиқлаш тўғрисида**

**(2008 йил 28 июндан кучга киради)**

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги "Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 418-сон, 2004 йил 7 майдаги "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 215-сон, 2004 йил 24 ноябрдаги "Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 555-сон ҳамда 2006 йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 214-сон қарорларига мувофиқ **ҚАРОР ҚИЛАМИЗ:**

1. Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинганидан ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

3. Мазкур қарор амалга киритилган кундан бошлаб Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги томонидан 1998 йил 17 июлда ва Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси томонидан 1998 йил 28 июлда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида даврий нашрларни тарқатиш қоидалари" (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 488) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш**  
**агентлиги Бош директори**

**А. Арипов**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот**  
**агентлиги Бош директори**

**Б. Алимов**

Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2008 йил 18 июнда 1826-сон  
билан рўйхатга олинган  
Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги,  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигининг  
2008 йил 19 майдаги  
10-8/1493, 04-01-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикасида даврий босма нашрларни тарқатиш ҚОИДАЛАРИ

Муқаддима

- 1-§. Умумий қоидалар
- 2-§. Даврий босма нашрларни обуна бўйича тарқатиш тартиби
- 3-§. Даврий босма нашрларни чакана савдо орқали тарқатиш
- 4-§. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 5-§. Тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 6-§. Обуначининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
- 7-§. Таҳририят ва тарқатувчининг жавобгарлиги
- 8-§. Яқуний қоида

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ даврий босма нашрларни тарқатиш қоидаларини белгилайди.

Ушбу Қоидалар даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошираётган барча хўжалик юритувчи субъектларга (таҳририятлар, даврий босма нашрларни тарқатувчилар ва обуначиларга) шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларига тааллуқлидир.

Хорижий давлатларнинг даврий босма нашрларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади.

### 1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**даврий босма нашрларни етказиб бериш** - даврий босма нашрларни обуначи кўрсатган манзил бўйича етказиб бериш;

**каталог** - Ўзбекистон Республикасида тарқатиладиган даврий босма нашрлар номларининг белгиланган тартибда тузилган рўйхати;

**обуначи** - даврий босма нашрга обуна бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**тарқатувчи** - таҳририят, шунингдек, таҳририят билан шартномага кўра даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо тармоғи орқали тарқатиш хизматларини кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

2. Даврий босма нашрларни тарқатиш уларга обуна бўлишни ташкил қилиш йўли билан, шунингдек, чакана савдо тармоғи орқали амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда даврий босма нашрларнинг электрон шакли ҳам тарқатилиши мумкин.

3. Даврий босма нашрларни тарқатиш бевосита таҳририят томонидан, шунингдек, белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслар томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунида белгиланган ахборотларни ўз ичига олган даврий босма нашрлар ҳам тарқатиш учун қабул қилинади.

## **2-§. ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАРНИ ОБУНА БЎЙИЧА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ**

5. Обуна бўйича даврий босма нашрлар варақчали ва манзилли тизим бўйича тарқатилади.

6. Варақчали тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан обуначиларнинг манзиллари бўйича кейинги саралаш ва етказиб бериш учун ишлов бериш оралиқ пунктларига юборилади.

7. Манзилли тизим бўйича тарқатишда даврий босма нашрлар тарқатувчи томонидан бевосита обуначилар манзиллари бўйича тарқатилади.

8. Таҳририятлар тарқатувчилар билан улар томонидан босиб чиқариладиган даврий босма нашрларни тарқатиш бўйича шартнома тузадилар. Шартномада даврий босма нашрларни тарқатиш тартиби ва шартлари, босмадан чиқариш жадвали белгиланади, томонлар мажбуриятлари ва низоли масалаларни ҳал қилиш тартиби келишиб олинади.

9. Обуна шартлари (ҳажми, даврий босма нашрнинг формати, босиб чиқариш даврийлиги, обуна даври) таҳририят томонидан белгиланади.

10. Обунани ўтказиш тартиби (обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларга буюртмаларни тақдим этиш муддатлари, обунани қабул қилиш жойлари, тарқатиш ҳудуди, обунани ҳужжатлаштириш) тарқатувчилар томонидан белгиланади.

11. Даврий босма нашрларга обуна ўтказиш шартлари ва тартиби аҳолига маълумот учун таҳририятлар ва тарқатувчилар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали, реклама ва бошқа усуллар ёрдамида етказилади.

12. Обуначи нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан даврий босма нашрларга обуна бўлиши мумкин.

13. Тарқатувчи каталогларни нашр қилади ва уларга киритилган даврий босма нашрларга обуна қабул қилинишини амалга оширади.

Каталогда даврий босма нашрнинг номи ва индекси, телефон рақами, даврий босма нашрнинг нархи, босмадан чиқиш даврийлиги, обуна даври ва бошқа ахборотлар кўрсатилади.

Каталог қоғоз ва электрон кўринишда нашр қилиниши мумкин.

14. Обуначи учун қулай бўлган обунани қабул қилиш жойларида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) тарқатувчининг номи, унинг жойлашган жойи (юридик манзили, телефон рақами ва бошқалар);

б) иш тартиби;

в) даврий босма нашрлар каталоглари;

г) обунани қабул қилиш пунктларининг иш вақти;

д) обуна бўлиш даври;

е) обунани амалга ошириш тартиби, шартлари ва нархлари;

ж) қўшимча кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва уларнинг тарифлари;

з) обуна ҳужжатларини тўлдириш намуналари;

и) бошқа зарур маълумотлар.

15. Барча ахборот обуначиларга маълумот учун аниқ ва қулай шаклда етказилиши лозим.

16. Обунани расмийлаштиришда белгиланган намунадаги обуна ҳужжати обуна шартларига мувофиқ тушунарли ва қисқартиришларсиз тўлдирилади.

17. Обуначи томонидан даврий босма нашрларни етказиб бериш манзили нотўғри кўрсатилган бўлса, тарқатувчи жавобгар ҳисобланмайди.

18. Обуна расмийлаштирилганлигининг тасдиғи сифатида обуначига даврий босма нашрнинг номи, обуна даври ва нархи, даврий босма нашр етказиб берилиши керак бўлган манзил, обуначининг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек тарқатувчининг реквизитларидан иборат бўлган обуна ҳужжати берилади.

19. Обуна навбатдаги обуна давридан бошлаб каталогда кўрсатилган обуна муддатига ёки унинг бир қисмига расмийлаштирилиши мумкин.

20. Даврий босма нашрлар обуначи томонидан бошқа манзилга қайта манзилланиши мумкин. Қайта манзиллаш учун обуначи томонидан тарқатувчига обуна расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжати тақдим этилади. Бундай ҳужжат йўқолган бўлса обуначининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

Расмийлаштириш тартиби ва қайта манзиллаш муддатлари тарқатувчи томонидан белгиланади.

21. Даврий босма нашрларни нашрдан чиқариш тўхтатилганда ёки обуначининг аризаси бўйича обуна бекор қилиниши мумкин. Бунда обуначига обуна нархи ва қабул қилинган даврий босма нашрлар ўртасидаги фарқи тарқатувчи томонидан бажарилган хизматларни қоплаш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

22. Обуна бекор қилинганда обуна учун тўланган тўлов обуначига тарқатувчи томонидан қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

а) обуначининг обунани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўйича - ариза берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида;

б) даврий босма нашрни босмадан чиқариш тўхтатилганда - таҳририятдан ахборот олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида.

23. Обуначига даврий босма нашрлар етказиб берилмаган бўлса, у ҳолда обуначи томонидан тарқатувчига ариза берилади ва обуна қабул қилинганлиги ёки қайта манзилланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади. Бунда обуначининг аризаси ушбу Қоиданинг 34 ва 35-бандларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

### **3-§. ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАРНИ ЧАКАНА САВДО ОРҚАЛИ ТАРҚАТИШ**

24. Рўйхатдан ўтказилган даврий босма нашрларни чакана савдо орқали, шу жумладан кўлда сотиш нашрлар таҳририятларининг штатдаги тарқатувчилари томонидан ёки савдо тармоғига эга бўлган юридик шахслар, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилади.

25. Даврий босма нашрларнинг навбатдаги сонлари сотувга келиб тушганлиги тўғрисида харидорларни хабардор қилиш учун даврий босма нашрларнинг янги сонлари кўринадиган жойда ҳамма кўриши учун чиқариб қўйилади.

26. Чакана савдо тармоғидан яширин полиграфик нуқсонлари бўлган даврий босма нашрлар сотиб олинганда, бундай даврий босма нашрлар жойида алмаштирилиши лозим.

Даврий босма нашрларни алмаштириб бериш имкони бўлмаганда харидорга даврий босма нашр учун тўланган тўлов қайтариб берилади.

27. Даврий босма нашрларнинг чакана савдосини амалга оширадиган тарқатувчилар даврий босма нашрларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлишлари шарт.

### **4-§. ТАҲРИРИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

28. Таҳририят куйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда обунани бекор қилиш;
- б) даврий босма нашрларни тайёрлаш ва чиқаришга буюртма қабул қилиш;
- в) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга.

29. Таҳририят куйидагиларга мажбур:

а) обуна бошлангунга қадар тарқатувчи ва обуначига даврий босма нашр тўғрисида аниқ ахборотни тақдим этиш;

б) даврий босма нашрнинг навбатдаги сонини чиқариш кечикканлиги ёки унинг ҳажми ўзгарганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар қилиш, шунингдек бу ҳақда тарқатувчини ҳам хабардор қилиш;

в) полиграфик нуқсонга эга бўлган даврий босма нашрлар нусхаларини алмаштириш шартлари ва тартибини ўзи ёки тарқатувчи орқали ўз ҳисобидан обуначига маълум қилиши, шунингдек стандарт тўпламлардаги етишмаётган нусхалар ўрнининг тўлдирилишини таъминлаши;

г) даврий босма нашрларнинг барча сонларини обунанинг бутун даври учун каталогда кўрсатилган даврийликка мувофиқ босиб чиқаришни таъминлаш;

- д) даврий босма нашрларни босмадан чиқаришни тўхтатиш бўйича қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида тарқатувчига тўланган тўловларни қайтариш;
- е) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## **5-§. ТАРҚАТУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

30. Тарқатувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) таҳририят билан даврий босма нашрларни обуна бўйича ёки чакана савдо орқали тарқатиш учун шартнома тузаётганда тарқатувчининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини талаб қилиш;
- б) обунани қабул қилиш ва даврий босма нашрларнинг чакана савдосини амалга ошириш жойларининг иш тартибини белгилаш;
- в) обуначининг розилиги билан алоҳида тўлов эвазига қўшимча хизматлар кўрсатиш (даврий босма нашрларни сақлаш, обуна бўйича даврий босма нашрларни қайта манзиллаш ва бошқалар).

31. Тарқатувчи қуйидагиларга мажбур:

- а) аҳолини тарқатувчиларнинг савдо нуқталари ва обунани қабул қилиш жойларининг иш тартиби, обуна тартиби ва шартлари, обуна бўйича тарқатиладиган даврий босма нашрларнинг нархлари тўғрисида хабардор қилиш;
- б) даврий босма нашрни белгиланган муддатда обуначига етказиб беришни таъминлаш;
- в) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда обуначига етказиб берилмаган нусхаларнинг обуна нархини қайтариб бериш ёки худди шундай ёхуд бошқа даврий босма нашр нусхасига алмаштириб бериш;
- г) обуначига обунанинг расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи обуна ҳужжатини бериш.

## **6-§. ОБУНАЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

32. Обуначи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) тарқатувчидан ушбу Қоидаларнинг 14-бандида кўрсатилган маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилиш;
- б) навбатдаги обуна ойдан бошлаб бутун обуна даврига ёки унинг бир қисмига, шунингдек муддатини узган ҳолда даврий босма нашрларга обунани расмийлаштириш;
- в) обуначи томонидан имзоланган даврий босма нашрни бошқа манзилга қайта манзиллаш;
- г) даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш;
- д) полиграфик нуқсонли бўлган даврий босма нашрларни олганда, даврий босма нашрнинг тегишли сонини олмаганда, шунингдек, таҳририят ёки тарқатувчининг айби билан даврий босма нашрларни етказиб беришнинг муддатларига риоя қилинмаганда, таҳририят ёки тарқатувчига мурожаат қилиш ҳамда ўз хоҳишига биноан нуқсонсиз даврий босма нашрнинг тегишли нусхасига ёхуд бошқа даврий босма нашрнинг нусхасига алмаштириш, шунингдек, даврий босма нашр ушбу нусхасининг обуна ҳақини қайтаришни талаб қилиш;
- е) қўшимча хизматлар учун тўлов тўлашни рад этиш, агар улар тўланган бўлса, унинг розилигисиз кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўланган тўловларнинг қайтарилишини тарқатувчидан талаб қилиш;

ж) даъво билан ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш.  
Обуначи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

33. Обуначи обуна ҳужжатларини тўлдириш бўйича тарқатувчи томонидан белгиланган талабларга амал қилиши шарт.

34. Даврий босма нашрларни етказиб бериш муддатларига нисбатан камчиликлар обуначи талаб қилган кундан бошлаб 20 кун давомида (агар шартномада бундан камроқ муддат белгиланмаган бўлса) тарқатувчи томонидан бартараф этилиши керак.

Камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолларда тарқатувчи обуначига қонун ҳужжатларига мувофиқ неустойка (пеня) тўловини тўлайди.

35. Обуначининг полиграфик нуқсонга эга бўлган ёки товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларнинг тарқатилиши бўйича мурожаати етти кун муддатда, агар мурожаат бўйича қўшимча текшириш лозим бўлса, мурожаат берилган вақтдан бошлаб 20 кун муддатда қаноатлантирилиши керак.

Агар даврий босма нашр обуначининг айби билан товар кўринишини йўқотганлиги исбот қилинса, обуначининг талаблари қаноатлантирилмайди.

36. Обуначининг барча мурожаатлари обуначи томонидан обуна қабул қилинганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда кўриб чиқилади. Обуначининг ишончли вакили мурожаат қилганда эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончнома тақдим этилиши лозим.

### **7-§. ТАҲРИРИЯТ ВА ТАРҚАТУВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

37. Таҳририят ва тарқатувчининг жавобгарлиги улар ўртасида тузиладиган шартномаларда белгиланади.

38. Таҳририят қуйидагилар учун жавобгар:

- а) даврий босма нашрнинг навбатдаги сони чиқишининг кечикканлиги;
- б) даврий босма нашр тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилмаганлиги;
- в) даврий босма нашрларга эълон қилинган обунанинг тугатилганлиги.

Таҳририятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликка ҳам эгадирлар.

39. Тарқатувчи қуйидагилар учун жавобгар:

а) обунани қабул қилиш қоидаларини бузганлиги;

б) товар кўринишини йўқотган даврий босма нашрларни сотганлиги (агар обуначининг даврий босма нашрни олгунига қадар бундай камчиликлар пайдо бўлганлиги исботланса);

в) полиграфик нуқсонга эга даврий босма нашрларни тарқатганлиги;

г) обуна ҳужжатларидаги обуначилар тўғрисидаги шахсий маълумотларни учинчи шахсга ошкор қилганлиги;

д) даврий босма нашрни етказиб бериш муддатларини бузганлиги;

е) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини бузганлиги.

40. Даврий босма нашрларни обуна бўйича ва чакана савдо орқали тарқатиш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

41. Даврий босма нашр навбатдаги сонининг нашрдан чиқиши кечикканлиги ёки нашрдан чиқмаслиги форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши оқибатида содир бўлганлиги исботланса, таҳририят жавобгарликдан озод қилинади.

42. Агар даврий босма нашрнинг нусхаси (нусхалари)ни етказиб бериш форс-мажор ҳолатларининг юзага келиши оқибатида ёки обуначининг айби билан бузилганлиги исбот қилинса, тарқатувчилар жавобгарликдан озод қилинадилар.

### **8-§. ЯКУНИЙ ҚОИДА**

43. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва "Матбуот тарқатувчи" АК билан келишилган.

**ЗАРЕГИСТРИРОВАНО  
МИНИСТЕРСТВОМ ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**18.06.2008 г.**

**№ 1826**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

**УЗБЕКСКОГО АГЕНТСТВА  
СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ  
№ 10-8/1493**

**УЗБЕКСКОГО АГЕНТСТВА  
ПО ПЕЧАТИ И ИНФОРМАЦИИ  
№ 04-01**

**19.05.2008 г.**

**Об утверждении Правил  
распространения периодических  
печатных изданий в Республике  
Узбекистан**

**Вступает в силу с 28 июня 2008 года**

В соответствии с законами Республики Узбекистан "О средствах массовой информации", "О принципах и гарантиях свободы информации", "Об издательской деятельности", "О защите прав потребителей" и постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 сентября 1999 года № 418 "О совершенствовании структуры управления предприятиями по распространению периодической печати", от 7 мая 2004 года № 215 "О мерах по совершенствованию деятельности Узбекского агентства связи и информатизации", от 24 ноября 2004 года № 555 "О мерах по совершенствованию структуры управления в сфере массовых коммуникаций", от 11 октября 2006 года № 214 "О дальнейшем совершенствовании порядка государственной регистрации средств массовой информации в Республике Узбекистан" **ПОСТАНОВЛЯЕМ:**

1. Утвердить Правила распространения периодических печатных изданий в Республике Узбекистан согласно приложению.

2. Ввести в действие настоящее постановление по истечении десяти дней со дня его государственной регистрации в Министерстве юстиции Республики Узбекистан.

3. Со дня вступления в силу настоящего постановления признать утратившими силу "Правила распространения периодической печати в Республике Узбекистан" (рег. № 488 от 28 августа 1998 г.), утвержденные Узбекским агентством почты и телекоммуникации от 17 июля 1998 года и Государственным комитетом по печати Республики Узбекистан от 28 июля 1998 года.

Генеральный директор  
Узбекского агентства связи  
и информатизации

А. Арипов



Генеральный директор  
Узбекского агентства  
по печати и информации

Б. Алимов

**УТВЕРЖДЕНЫ**  
**Постановлением от 19.05.2008 г.**  
**УзАСИ N 10-8/1493 и УзАПИ N 04-01,**  
**зарегистрированным МЮ**  
**18.06.2008 г. N 1826**

Настоящие Правила утверждены на государственном языке.  
Авторский перевод текста на русский язык выполнен  
экспертами газеты "Налоговые и таможенные вести"  
и ООО "Норма-Намкор" и носит информационный характер.  
При возникновении неясностей рекомендуется обращаться  
к тексту нормативно-правового акта.

## **ПРАВИЛА** **распространения периодических** **печатных изданий в Республике** **Узбекистан**

Преамбула

- § 1. Общие положения
- § 2. Порядок распространения периодических  
печатных изданий по подписке
- § 3. Розничное распространение  
периодических печатных изданий
- § 4. Права и обязанности редакции
- § 5. Права и обязанности распространителя
- § 6. Права и обязанности подписчика
- § 7. Ответственность редакции и распространителя
- § 8. Заключительное положение

Настоящие Правила, в соответствии с законами Республики Узбекистан "О средствах массовой информации", "О принципах и гарантиях свободы информации", "О защите прав потребителей", устанавливают порядок распространения периодических печатных изданий.

Настоящие Правила распространяются на все хозяйствующие субъекты (редакции, распространители и подписчики периодических печатных изданий), а также их структурные подразделения, осуществляющие деятельность в сфере изготовления и распространения периодических печатных изданий.

Распространение периодических печатных изданий зарубежных государств на территории Республики Узбекистан осуществляется в порядке, устанавливаемом Кабинетом Министров Республики Узбекистан, а также на основании международных договоров Республики Узбекистан.

### **§ 1. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ**

1. В настоящих Правилах применяются следующие понятия:

**доставка периодических печатных изданий** - доставка периодических печатных изданий по адресу, указанному подписчиком;

**каталог** - составленный в установленном порядке перечень наименований периодических печатных изданий, распространяемых в Республике Узбекистан;

**подписчик** - физическое или юридическое лицо, оформившее подписку на периодическое печатное издание;

**распространитель** - редакция, а также юридическое или физическое лицо, оказывающее по договору с редакцией услуги по распространению периодических печатных изданий по подписке или через сеть розничной торговли.

2. Распространение периодических печатных изданий осуществляется путем организации подписки на них, а также через сеть розничной торговли.

Электронные версии периодических печатных изданий также могут распространяться в порядке, установленном законодательством.

3. Распространение периодических печатных изданий может осуществляться непосредственно редакцией, а также в установленном порядке юридическими и физическими лицами на основании договора.

4. Периодические печатные издания, принимаемые для распространения, должны отвечать также требованиям, установленным в Законе Республики Узбекистан "О средствах массовой информации".

## **§ 2. ПОРЯДОК РАСПРОСТРАНЕНИЯ ПЕРИОДИЧЕСКИХ ПЕЧАТНЫХ ИЗДАНИЙ ПО ПОДПИСКЕ**

5. Периодические печатные издания по подписке распространяются по карточной и адресной системам.

6. При распространении периодических печатных изданий по карточной системе они направляются распространителем на промежуточные пункты обработки для последующей сортировки и доставки по адресам подписчиков.

7. При распространении периодических печатных изданий по адресной системе они направляются распространителем непосредственно по адресам подписчиков.

8. Редакции заключают с распространителями договора о распространении выпускаемого ими периодического печатного издания. В договорах определяются порядок и условия распространения периодического печатного издания, график выхода из печати, оговариваются обязанности сторон и порядок разрешения спорных вопросов.

9. Условия подписки (объем, формат периодического печатного издания, периодичность выпуска, период подписки) устанавливаются редакцией.

10. Порядок проведения подписки (сроки принятия подписки и предоставления заказов на периодические печатные издания, места принятия подписки, территория распространения, оформление подписки) устанавливается распространителями.

11. Условия и порядок подписки на периодические печатные издания доводятся до сведения населения редакцией и распространителями через средства массовой информации при помощи рекламы и другими способами.

12. Подписчик может подписаться на периодические печатные издания путем оплаты в наличной или безналичной форме.

13. Распространитель издает каталоги и осуществляет прием подписки на включенные в них периодические печатные издания.

В каталоге указываются наименование и индекс периодического печатного издания, номер контактного телефона, стоимость периодического печатного издания, периодичность выпуска, период подписки и другая информация.

Каталог может издаваться в бумажном и электронном виде.

14. В местах приема подписки, удобных для подписчиков, должны быть размещены следующие сведения:

- а) наименование распространителя, его месторасположение (юридический адрес, номер контактного телефона и др.);
- б) режим работы;
- в) каталоги периодических печатных изданий;
- г) режим работы пунктов приема подписки;
- д) период подписки;
- е) порядок, условия и стоимость подписки;
- ж) перечень дополнительно оказываемых услуг и их тарифы;
- з) образцы заполнения подписных документов;
- и) другие необходимые сведения.

15. Вся информация должна доводиться для сведения подписчиков в ясной и удобной форме.

16. При оформлении подписки подписной документ установленного образца заполняется в соответствии с условиями подписки, разборчиво и без сокращений.

17. Распространитель не несет ответственности в случае указания подписчиком неверного адреса доставки периодических печатных изданий.

18. В качестве подтверждения подписки подписчику выдается подписной документ, в котором указаны наименование периодического печатного издания, период и стоимость подписки, адрес доставки периодического печатного издания, фамилия, имя, отчество подписчика, а также реквизиты распространителя.

19. Подписка, начиная с очередного подписного периода, может быть оформлена на указанный в каталоге срок или на его часть.

20. Периодические печатные издания могут быть переадресованы подписчиком по другому адресу. Для переадресовки подписчик представляет распространителю

подписной документ, подтверждающий оформление подписки. При утере данного документа представляется документ, удостоверяющий личность подписчика.

Порядок оформления и сроки переадресовки устанавливаются распространителем.

21. Подписка может быть аннулирована при прекращении выпуска периодического печатного издания или по заявлению подписчика. При этом подписчику выплачивается разница между ценой подписки и ценой полученных периодических печатных изданий с учетом расходов на покрытие услуг, оказанных распространителем.

22. При аннулировании подписки распространитель возвращает подписчику оплаченные за подписку средства в следующих случаях:

а) по заявлению подписчика об аннулировании подписки - в течение пяти дней со дня подачи заявления;

б) при прекращении выпуска периодического печатного издания - в течение одного месяца со дня получения от редакции данной информации.

23. В том случае если подписчику не доставлены периодические печатные издания, он подает на имя распространителя заявление и представляет ему документ, подтверждающий оформление или переадресовку подписки. При этом заявление подписчика рассматривается в сроки, установленные в пунктах 34 и 35 настоящих Правил.

### **§ 3. РОЗНИЧНОЕ РАСПРОСТРАНЕНИЕ ПЕРИОДИЧЕСКИХ ПЕЧАТНЫХ ИЗДАНИЙ**

24. Розничная реализация зарегистрированных периодических печатных изданий, в том числе продажа с рук осуществляется штатными распространителями редакций изданий или юридическими лицами, имеющими торговую сеть, а также индивидуальными предпринимателями.

25. Для оповещения покупателей о поступлении в продажу очередных номеров периодических печатных изданий новые номера периодических печатных изданий выставляются на видном месте для всеобщего обозрения.

26. Приобретенные через розничную сеть периодические печатные издания, имеющие скрытый полиграфический брак, подлежат замене на месте.

При отсутствии возможности замены периодических печатных изданий покупателю возвращаются денежные средства, оплаченные за издание.

27. Распространители, осуществляющие розничную реализацию периодических печатных изданий, должны иметь документы, подтверждающие законность данных изданий.

### **§ 4. ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ РЕДАКЦИИ**

28. Редакция имеет право:

а) аннулировать подписку в случаях, установленных законодательством;

- б) принимать заказы на подготовку и выпуск периодических печатных изданий;
- в) другие права в соответствии с законодательством.

29. Редакция обязана:

- а) до начала подписки предоставить распространителю и подписчику достоверную информацию о периодическом печатном издании;
- б) давать информацию в средствах массовой информации о задержке выпуска очередного номера периодического печатного издания или изменении его объема, а также информировать об этом распространителя;
- в) за свой счет, самостоятельно или через распространителя, доводить до сведения подписчика условия и порядок замены экземпляров периодического печатного издания с полиграфическим браком, а также обеспечивать восполнение недостатков в стандартных пачках;
- г) обеспечить выпуск всех номеров периодических печатных изданий за весь период подписки в соответствии с периодичностью, указанной в каталоге;
- д) в течение месячного срока со дня принятия решения о прекращении выпуска периодического печатного издания возратить распространителю оплаченные средства;
- е) другие обязанности в соответствии с законодательством.

## **§ 5. ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ РАСПРОСТРАНТЕЛЯ**

30. Распространитель имеет право:

- а) при заключении договора с редакцией на распространение периодического печатного издания по подписке или для розничной реализации требовать копию свидетельства о регистрации указанного издания;
- б) устанавливать режим работы мест приема подписки и осуществления розничной реализации периодических печатных изданий;
- в) с согласия подписчика оказывать за отдельную плату дополнительные услуги (хранение периодических печатных изданий, переадресовка периодических печатных изданий по подписке и другие).

31. Распространитель обязан:

- а) довести до сведения населения информацию о торговых точках и режиме работы пунктов приема подписки, порядке и условиях подписки, подписных ценах на периодические печатные издания;
- б) обеспечивать доставку периодических печатных изданий подписчику в установленные сроки;
- в) вернуть подписную стоимость экземпляров, не доставленных подписчику в сроки, установленные законодательством, или заменить на такой же экземпляр либо экземпляр другого периодического печатного издания;
- г) выдать подписчику подписной документ, подтверждающий оформление подписки.

## **§ 6. ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ ПОДПИСЧИКА**

32. Подписчик имеет право:

а) требовать от распространителя представления сведений, указанных в пункте 14 настоящих Правил;

б) оформить подписку на периодическое печатное издание с очередного подписного месяца на весь подписной период или на его часть, а также с прерыванием срока;

в) переадресовать подписанное им периодическое печатное издание по другому адресу;

г) аннулировать подписку на периодическое печатное издание;

д) при получении периодических печатных изданий, имеющих полиграфический брак, неполучении соответствующего номера периодического печатного издания, а также несоблюдении сроков доставки периодических печатных изданий по вине редакции или распространителя, обратиться в редакцию или к распространителю и по своему выбору обменять на соответствующий небракованный экземпляр периодического печатного издания или на экземпляр другого периодического печатного издания, либо потребовать возврата подписной цены данного экземпляра периодического печатного издания.

е) отказаться от оплаты дополнительных услуг, если они были оплачены - потребовать возврата сумм, уплаченных за дополнительные услуги, предоставленные без его согласия;

ж) обратиться в полномочные органы или с иском суд.

Подписчик также имеет другие права в соответствии с законодательством.

33. Подписчик обязан руководствоваться установленными распространителем требованиями по заполнению подписных документов.

34. Недостатки по своевременной доставке периодических печатных изданий должны быть устранены распространителем в течение 20 дней со дня предъявления подписчиком требований (если договором не установлен меньший срок).

В случае неустранения недостатков в установленные сроки распространитель выплачивает подписчику неустойку (пеню) в соответствии с законодательством.

35. Обращение подписчика о распространении бракованных или потерявших товарный вид периодических печатных изданий должно быть удовлетворено в течение 7 дней, в случае необходимости проведения дополнительной проверки по обращению - в течение 20 дней с момента обращения.

Если будет доказано, что периодическое печатное издание потеряло товарный вид по вине подписчика, то требования подписчика не удовлетворяются.

36. Все обращения подписчика рассматриваются при представлении документа, удостоверяющего факт оформления подписчиком подписки. А при обращении доверенного лица обязательно представление доверенности в порядке, установленном законодательством.

## **§ 7. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ РЕДАКЦИИ И РАСПРОСТРАНИТЕЛЯ**

37. Ответственность редакции и распространителя определяется в заключаемых между ними договорах.

38. Редакция несет ответственность за:

а) задержку выхода в свет очередного периодического печатного издания;

- б) несвоевременное предоставление информации о периодическом печатном издании;
- в) прекращение подписки, объявленной на периодические печатные издания.

39. Распространитель несет ответственность за:

- а) нарушение правил проведения подписки;
- б) реализацию периодических печатных изданий, потерявших товарный вид (если будет доказано, что данные недостатки возникли до получения подписчиком периодического печатного издания);
- в) распространение периодических печатных изданий с полиграфическим браком;
- г) разглашение третьим лицам персональных сведений о подписчиках, указанных в подписных документах;
- д) нарушение сроков доставки периодических печатных изданий;
- е) нарушение сроков рассмотрения обращений.

40. Споры, связанные с распространением периодических печатных изданий по подписке и в розницу, рассматриваются в порядке, установленном законодательством.

41. Редакция освобождается от ответственности за задержку выхода или невыхода в свет очередного периодического печатного издания, если будет доказано, что это произошло в результате возникновения форс-мажорных обстоятельств.

42. Распространители освобождаются от ответственности за нарушение доставки экземпляра(ов) периодического печатного издания, если будет доказано, что это произошло в результате возникновения форс-мажорных обстоятельств или по вине подписчика.

## **§ 8. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ**

43. Настоящие Правила согласованы с Государственным комитетом по демонополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства и акционерной компанией "Матбуот таркатувчи".